

Кириш сўз

Қозоғистон Республикаси Билим ва фан министрлигининг 2016 йил 16 ноябрдаги 660-сонли буйруғига биноан 2016-2017 ўқув йилида ўрта умумтаълим мактабларидаги 11-синф ўқувчиларини якуний аттестациялашга ўзгаришлар киритилди. 11-синф ўқувчиларига ўзбек тили ва адабиёти фанидан топшириладиган имтиҳонда эссе ёзиш талаби қўйилди. Эссе ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар учун ёзма имтиҳоннинг янги шакли бўлганлиги сабабли, Миллий тест маркази томонидан кўмак сифатида ушбу методик қўлланма ишлаб чиқилди. Мазкур методик қўлланмада эссе атамаси, унинг турлари, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, талаблари ва унинг иншодан фарқли жиҳатлари тўғрисида маълумотлар берилди. Шунингдек, эссе мавзулари, уни баҳолаш критерий(мезон)лари ва эссе намуналари тавсия этилди. Ушбу методик қўлланма ўрта умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ва ўқувчилари учун мўлжалланган.

Эссе ва иншонинг фарқли томонлари

Эссе	Иншо
<p>Эссе – француз тилида "essai" – «тажриба», инглиз тилида "essay", "assay" – интилиш, ижодий синов, очерк; латинча "exagium" – "ўйлаш" деган маънони билдиради</p> <p>Эссе – ўқувчининг аниқ мавзу юзасидан шахсий фикр-мулоҳазалари асосида ёзиладиган ихчам ижодий иш ҳисобланади. Унинг ўзгачалиги мавзуда кўтарилаётган муаммога факт ва далилларни ўринли келтириш орқали ўз муносабатини билдириш.</p>	<p>Иншо – араб тилидан олинган сўз бўлиб, "бино қилиш", "қуриш" деган маънони билдиради.</p> <p>Иншо ўқувчининг ўзбек адабиёти фанидан олган назарий билимларини ўз фикри ва дунёқараши билан боғлаб ёзадиган ижодий меҳнати. Бунда ўқувчидан ўқилган бадиий асарни чуқур ўйлаши, таҳлил қилиши, сўнг бадиий тил билан таъсирли ифодалаши талаб этилади.</p>
<p>Эссе эркин композиция асосига қуриладиган, тузилиш жиҳатдан ихчам насрий асар бўлиб, бадиий-публицистик жанрнинг бир тури. Эссе муайян бир режа асосида ёзилмайди.</p>	<p>Иншо – тузилиши жиҳатдан ҳажми кенг, фан бўйича эгалланган назарий билимлар асосида ёзиладиган ижодий иш. Иншо учун режа тузилади ва эпиграф ёзилади.</p>
<p>Эссенинг турлари бир неча</p>	<p>Иншо шартли равишда уч гуруҳга</p>

хил бўлиб, ёзилиш мақсадига кўра унинг қай турга мансублиги аниқланади.	бўлинади: адабий, адабий-ижодий ва эркин мавзудаги иншоолар.
Эссенинг мақсади – ўқувчини фаол фикрлашга ўргатиш, ўз мулоҳазаларини далиллашга йўналтириш, тил унсурларидан ўринли фойдаланиш орқали фикрни тўғри етказиб бериш кўникмаларини шакллантириш	Иншодан кўзда тутилган мақса, ўқувчининг ёзма нутқин ривожлантириш

Эссе ёзиш ўқувчиларга ўз фикрини эркин билдиришга, мавзуга алоқадор маълумотни онгли қабуллашга ва тушунишга, муаммонинг ечимини топишга алоқадор далиллардан фойдаланиб, ўз хулосасини аниқ ва саводли баён этишга имкон яратади. Муҳими, келтирилган факт ва далилларнинг ўринли қўлланишидир.

Эссенинг тузилиши.

1.Кириш

Кириш – мавзуни мантиқий ва услубий жиҳатдан боғлаб ойдинлаштириш. Бу босқичда қаламга олинган мавзуни ёритиш учун саволни тўғри қўйиш муҳим. Чунончи, бу ўринда эссе ёзувчи "Кириш қисмида ушбу мавзуга маълумот бериш керакми?", "Мен танлаган мавзунинг долзарблиги қай даражада?", "Мен эссе ёзиш давомида ўз фикримни далиллаш учун қандай манбаларга таянаман?", "Мен калит сўздан келиб чиққан ҳолда тезис қўя оламанми?" каби саволларни ўз олдига қўйиши ва шунинг теварагида фикр юритгани маъқул. Эссенинг кириш қисми камида, икки хатбошидан иборат бўлиши ва ҳар бир хатбошида икки-уч гап ифодаланиши мумкин. Ўқувчини қизиқтириш, унинг эътиборини жалб этиш мақсадида эссенинг кириш қисми жонли ва аниқ ёзилиши керак. Бунда хитоб, ундов, шахсий тажрибага ишора, риторик сўроқ кабилардан фойдаланиш ўринлидир.

Кириш қисмида ўқувчи эссе мавзусига тушунча беради, шу орқали унинг эссе мавзусини қандай тушунганлиги аниқланади ва бу мавзу нима учун долзарб эканлиги ёритилади. Мавзу ва унинг долзарблиги ёритилгандан кейин тезис қўйилади. Тезисдан кейин асосий қисмга боғловчи гап ёзилади. Агар тезис аниқ ва яққол берилса, гап ёзилмаслиги ҳам мумкин.

Тезис қўйиш эссенинг энг муҳим шартларидан биридир. Тезис – эссенинг калити. Калити топилмаса, эссенинг асосий мақсадига етиш қийин. Тезис – муаллифнинг шахсий нуқтаи назарини билдириб, у

асосий қисмда исботланадиган фикрни йўналтирувчи ғоя ҳисобланади. Тезис эссенинг кириш қисмида ёзилади.

2. Асосий қисм.

Асосий бўлим – мавзунинг назарий асоси ва саволнинг мазмунини баён этувчи бўлим. Бунда мавзуга мос барча билимлар, асосий фикр ва муаммога боғлиқ далил ва фактлар жамланган бўлиб, унда далиллар, хабарлар, турли статистик маълумотлардан фойдаланиб, мавзу ёритилади, кўтарилган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ойдинлаштирилади. Бу жараён бирмунча мураккаброқ кечади. Шу сабабли, асосий бўлимни бир неча кичик қисмларга бўлиш мумкин. Ҳар бир қисмни далиллар асосида ёритиш асосий саволга жавоб топишга кўмаклашади. Ўқувчининг келтирилган факт ва далилларни таққослаб, ўз қарашларини таҳлил орқали кўрсатиб бориши асосий бўлимнинг тўлиқ ёритилишига имкон беради. Қисмларга тўғри ажратиш ва изчиллик билан баён этиш мавзунинг ёритилишидаги мантиқийликни таъминлайди.

Далиллар – ўқувчи томонидан айтилган фикрни исботлаш учун келтириладиган кўчирма (мақол, цитата, ҳикматли сўз, ривоят, шеърый парчалар ва ҳ.к.). Қўйилган тезисга камида иккитадан далиллар келтирилиши керак.

Асосий қисмни ёритиш учун керакли маълумотларни келтириш жараёнида қўйилаётган масалага ўқувчининг шахсий муносабатини билдирувчи, шунинг билан бирга, *менимча, менинг фикримча, биринчидан, иккинчидан, шу каби, демак, бироқ, ундай бўлса* каби кириш сўзлардан фойдаланиш ўринли бўлади.

3. Хулоса

Хулоса – ("Тўқсон оғиз сўзнинг тўқ этари") – мавзу бўйича чиқариладиган якуний жумлалар бўлиб, унда янги фикр-мулоҳазалар билдирилмайди, балки далилларга суянган ҳолда якун чиқарилиб, уни ечиш йўллари кўрсатилади. Эссенинг якуний қисмида асосий қисмда берилган муаммонинг ечими тасдиқланади ва мазмуннинг моҳияти очилади, яъни «Эссе бошида кўтарилган масала бўйича нима дейиш мумкин?» деган саволга аниқ ва тушунарли жавоб тарзида ёзилиши керак. Хулоса қисмида қуйидаги кириш сўзлардан фойдаланилади: ***мен шундай хулосага келдимки.., қисқаси, асосий фикрим шуки.., хулоса қилиб айтганда...*** ва бошқалар.

Эссе ёзиш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:


1. Кириш ва якуний қисмдаги фикр асосий масалага узвий боғлиқ бўлади. Масалан, кириш қисмида **“Мен... ҳақида шуни айтмоқчиман” деб** бошланса, якуний қисмда **“Мен ...хулосага келдим”** каби тугалланади.
2. Эссе ёзишда ҳис-ҳаяжонли/таъсирчан ва бадиий бўёқдор сўзлардан фойдаланилади.
3. Эссе кўламига эътибор бериш. (10-11-синф ўқувчилари учун: 200-250 сўздан иборат бўлади. Кириш –60-70 сўз, асосий қисм –100-130 сўз, хулоса – 30-40 сўз)
4. Эсседа биргина мавзу атрофида фикр юритилади. Унда биргина фикр ўртага ташланади ва ривожлантирилади. Унинг бир неча мавзу ва бир қанча ғояси бўлиши мақсадга мувофиқ эмас.
5. Эссе эркин композиция асосида ёзилади. Яхши эссени мавзунини яхши тушунган, уни ҳар томонлама идрок эта олган, ўз ғоялари билан ўқувчини ўйланишга мажбур эта оладиган одамгина ёза олади.
6. Эссе ёзишда бир қолипдаги сўзлардан фойдаланиш, сўзларни қисқартириш, юзаки хулоса чиқаришдан холи бўлиш керак. Эссе тили салмоқлилики талаб қилади. Бунда эссе мавзусини ойдинлаштириш, ҳажмини ва мақсадни аниқ белгилаб олиш муҳимдир.
7. Эсседа бадиий тўқима ва фантазия бўлмайди. Унда адабий тил услубларидан тўғри ва ўринли фойдаланилади.
8. Эссе ихчам ҳажмли бўлгани боис, фикр-мулоҳаза билдиришда батафсил ҳикоялашдан чекланиш, келтирилган маълумотни ипидан игнасиғача баён этишдан сақланиш, бир айтилган фикрни яна қайта такрорлашга йўл қўймаслик керак. Узундан узоқ, аралаш турдаги қўшма гаплар ўрнига қисқа ва ихчам ифода усулини қўллаган маъқул.
9. Эссе хатбошиларга тўғри ажратилиши керак. Эссени ёзиб бўлгач, уни қайта-қайта ўқиб чиқиш тавсия этилади.
10. Энциклопедия ва турли манбалардан олинган маълумотлар ўз ўрнида қўлланилиши керак. Акс ҳолда, эссенинг бадиийлиги ва таъсирчанлигига путур етади.

Эссе ёзишда қуйидаги талабларга қатъий риоя қилинади:

- шахсий муносабатнинг билдирилиши;
- тезис – калит сўзни тўғри аниқлаш;
- фактли далиллар (аргументлар);
- назарияга асосланиш;
- атамаларни ўз ўрнида қўллаш;
- цитаталар келтириш;
- турли хил кўзқарашларни мисолга келтириш;
- мантикий қонуниятнинг сақланиши;
- таққослаш ва хулосалаш усулларида фойдаланиш;

- саводлилик (услугий, имло, тиниш белгилари);
- юмор, ўткир ҳажв;
- фойдаланилган илмий манбаларга ҳаволалар.

Эссенинг тузилиши



Мулоҳазали эссе намунаси

Мавзу: Эрка интилувчи инсонни енгиб бўлмайди.

Мен эссе ёзиш учун ушбу мавзунини танладим. Чунки Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясини ўқиганимда, ниҳоятда таъсирланганман. Асарга қўйилган ном кишининг ўзига жалб этади. Нега ҳикоя «Даҳшат» деб номланган? Эрк ўзи нима? Эрксизлик-чи? Эркпарвар инсон қандай бўлади? Нега одамзод эрка талпиниб яшайди?

Эрк – кишининг ўз хоҳиши билан иш-ҳаракат қилиш ҳуқуқи. Эрксизлик – тобеликдаги ҳаёт, ҳақ-ҳуқуқсизлик.

Менинг фикримча, ҳикоя қаҳрамони Унсин эрк йўлида қурбон бўлди.

Нима учун?

Унсин – ўн олтига тўлиб-тўлмаган қиз – Олимбек додхоҳнинг саккизинчи хотини эди. У инсофсизлик ва шафқатсизлик ҳукм сурган бу хонадонга кўниколмас, бераҳм додхоҳнинг хотинларига кўрсатаётган ситамларини кўнгилга сиғдиролмас эди.

Оилада гўристон ҳақидаги ваҳимали ҳангомалар айтилган кузнинг қуруқ совуқли бир кечасида Нодирмоҳобегимнинг ҳикоясига жавобан:

– Ўлсин, нокас одам экан, битта қўйни деб...Кошки арзийдиган нарсани бўлса!.. – деди.

Нафсонияти қўзғалган додхо Унсиннинг гапига ғаши келиб, уни масхаралади:

– Оббо, тегирмончининг қизи! Битта қўйни назарларига илмайди!..Юзта қўй, давлатимнинг ярмини берсам борасанми?

Унсин унга жавобан:

– Менга давлат керак эмас...Мен буткул кетсам дейман, жавобимни берсангиз...Бир эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келардим, – деди ва кундошлари ва Олимбек додхоҳни лол қолдириб, жасорат кўрсатди: гўристонга бориб қумғон қайнатиб келишга отланди.

Ҳаммаёқ зим-зиё қоронғу. Увиллаган шамол кишининг кўнглига қўрқинч солади. Ўз қишлоғига, ота-онаси ёнига бориш, озод бўлиш илинжида бўлган Унсин қоронғилиқдан ҳам, гўристондан ҳам қўрқмай қумғон қайнатиш учун қабристонга йўл олади. Муштдай қизнинг эрк учун интилишини ўзига қарши кўтарилган исён деб билган додхо қизни қаттиқ қўрқитиш мақсадида Унсиннинг кетидан маймунини юборди.

Ранги бўздек оқарган Унсин базўр уйга кирди.Тонг саҳарда қишлоғига, ота-онаси дийдорига етолмай, Унсиннинг жони узилди.

Шундай қилиб, Унсин тобелиқдан қутулиш йўлида берилган биргина имкониятдан фойдаланди, аммо қурбон бўлди. Унсиннинг ўлими асло енгилиш эмас, балки зулм ва ноҳақликка қарши исён эди. Мен шундай хулосага келдимки, эрка интилган инсонни енгиш мумкин эмас. Инсон ўз эрки ва мустақиллиги учун доимо курашиши, уни ҳимоя қилиши керак.

281 сўз

Аргументли эссе намунаси

Инсон ҳаётида ёшликнинг аҳамияти қандай?

Менинг фикримча, ёшлик – бу инсоннинг куч-қувватга тўлган палласи. У битмас-туганмас куч-қувват, ғайрат-шижоат, журъат ва қатъий ирода манбаи. Ёшлик йилларида инсоннинг тенгсиз бунёдкорлик ва ижодкорлик фаолияти намоён бўлади, жамият учун янгидан-янги кашфиётлари юзага келади. Бу мавзуда қалам тебратиш, менимча, жуда долзарб масала, чунки ёшлар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучи ва эртанги кун ворисларидир. Хўш, бугунги ёшлар ўз ҳаётини нима билан безамоқдалар? Умр, тириклик мазмунини улар қандай тушунадилар? Ёшликнинг қадр-қимматини улар қандай баҳолайдилар?

Донолар «Ёшликни умр гулшанининг гултожи», дейдилар.

Шу ўринда мен эътиборни аждодларимизнинг ҳаёт йўллариغا қаратгим келади. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ёшлигидан илм ўрганишга, китобга меҳр қўйган. Тинимсиз мутолаалар сабаб, у йигирма саккиз ёшида мукамал билимлар эгаси, мутафаккир, эл-юртга танилган шоир ва тажрибали, инсонпарвар давлат арбоби даражасига эриша олган.

Дунё халқларини ўз илми билан ҳайратга солган Абу Али Ибн Сино ўн олти ёшидаёқ Қуръони Каримни ёддан билган ва тиббиёт илмига ихлос қўйиб, табиб мақомини олган. Бу каби инсонлар навқиронлик даврининг қадрига етиб, фурсатни ғанимат билиб, уни билим ва ҳунар ўрганиш учун сарфлаганлар. Шунинг натижасида оламшумул даражадаги фозиллар қаторидан ўрин олганлар.

Бугун ўз ёшлигининг қадр-қимматини баҳолай олмайдиган кишилар ҳам жамиятимизда талайгина. Ўз вақтини беҳуда нарсаларга сарф этаётган ёшлар сирасига ҳали балоғат ёшига етмай туриб, турмушнинг қинғир кўчаларида адашиб юрганлар камми? «Тўқликка шўхлик» қилиб ўғирлик, талончилик, бузуқлик натижасида қора курсида ўтирган, оқибат умрининг бебаҳо дамларини панжара ортида ўтказишга маҳкум бўлганлар-чи? Статистик маълумотларга қараганда, 18431 бола ички ишлар маҳкамалари ҳисобига олинган.

Улардан 619 нафари 14-15 ёшлар оралиғидаги болалар бўлса, 2035 нафари эса 16-17 ёшлар чамасидаги ўсмирлар.

Юқоридаги фикрларни келиб чиққан ҳолда шуни айтишим мумкинки, ёшлик ҳар бир инсонга ўзлигини англаш, комилликка интилиш, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун бериладиган катта имкониятдир. Шундай экан, биз, ёшлар ватанимиз келажаги бизнинг қўлимизда эканлигини ҳис қилишимиз лозим. Бугунги жамиятдаги мавқе ва масъулиятимизни ошириш учун ҳар бир дақиқани ғанимат билишимиз, қайтарилмас ёшликнинг қадр-қимматини тўғри баҳолашимиз керак.

296 сўз.

Ўрта мактабни битириш имтиҳонида ёзиладиган ЭССЕ

Мактаб ўқувчиларини якуний аттестациялаш имтиҳонида ўқувчиларнинг она тили ва адабиёти фанидан ёзма ишлари эссенинг анъанавий (таълимий эссе) тури бўйича ёзилади. Анъанавий эссе маълум масала юзасидан узоқ ва қисқа муддатли ўрганиш ва изланишни ўз ичига олади.

Маълум мавзу бўйича ўрганиш ва изланиш анъанавий эссенинг узоқ муддатли тури учун хос. Узоқ муддатли анъанавий эссе таркибига кенгайтирилган эсселар киради. Бунда ўқувчи ўз қизиқишига кўра танлаб олган мавзу асосида (маълум муаммо, масала юзасидан) изланади. Бу изланиш даври 1-1,5 йилни ўз ичига олиши мумкин.

Қисқа муддатли анъанавий эссе эса ўқувчининг ўқиган, таҳлил қилган, ўзлаштирган билимларини баҳолаш мақсадида қўлланади. Қисқа муддатли анъанавий эссе айнан имтиҳон учун мўлжалланган бўлиб, у исталган бир фан бўйича: ижтимоий-гуманитар, табиий-математик, тил ва адабиёт фанлари юзасидан ёзилиши мумкин.

Якуний аттестациялаш учун имтиҳонда она тили ва адабиёт фанларидан ўқувчи адабий эссе ёзади.

Адабий эссе – эссе турлари ичидаги энг мураккаби ҳисобланади. У ёзилиш мақсадига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- тавсифловчи эссе
- мулоҳазали эссе
- умумлаштирувчи эссе
- аргументли эссе
- ижодий эссе

Адабий эссенинг ҳар бир тури ўзига хос ёзув услубига эга.

Тавсифловчи эсседа асосий эътибор маълум асар юзасидан у ёки бу масалани таҳлил қилишга қаратилади.

Мулоҳаза тарзидаги эсседа ўқувчи муаллифнинг маълум нарса юзасидан чиқарган ҳукмига, воқеа тафсилотининг баёнидаги тутган ўрнига, тасвир воситасига ўз муносабатини билдириб ёзади.

Умумлаштирувчи эссе ўқувчининг маълум бир масаланинг бир неча хил талқинини фикр элагидан ўтказиши, унинг у ёки бу жиҳатларини ўзаро таққослаши, шулар орқали ечим чиқариши ва ўз хулосасини билдириши билан характерланади.

Аргументли эсседа ўқувчи бошданок ўз шахсий нуқтаи назарини билдиради, уни қатъий тарзда фактлар орқали далиллайди.

Адабий-ижодий эссени ўқувчи асар юзасидан олган таассуротларидан келиб чиқиб ёзади. Бунда ўқувчи маълум қаҳрамон ҳақида фикр юритиши, вазиятга тушиши, унинг хатти-ҳаракатларидаги ожиз ёки кучли жиҳатлар ҳақида фикр юритиши мумкин.

Имтиҳон ишининг тавсифи

Ёзма имтиҳон иши – эссе	180 минут
<p>Ўқувчиларга беш мавзу тавсия этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи учун маъқул бир мавзунини танлаб олади. Ўқувчилар танланган мавзу бўйича ҳажми 200-250 сўздан иборат эссе ёзадилар. Ёзилган имтиҳон иши ўқувчининг танлаган мавзунини тушуниши, шахсий фикр-муносабатларининг изчил ва далилли тарзда, саводли ёзма баён эта олиш қобилиятини кўрсатади.</p> <p>Ўқувчилар ишни икки хил: хомаки ва оқ нусхада ёзадилар. Хомаки нусха ҳам ёзма иш билан бирга топширилади (хомаки нусха зарурат бўлгандагина текширилади).</p>	

Ўзбек адабиёти фанидан ёзиладиган эссенинг баҳолаш
меъёрлари

<i>Критерий/мезонлар</i>	<i>Дескрипторлар</i>	<i>Балл</i>
Ўқувчининг мавзуни тушуниши ва тезиснинг мавзуга мослиги 3 балл	-мавзуни яхши тушунган ҳолда уни тўлиқ ёрита олган - тезис (асосий ғоя) мавзуга мос танланган -тезисга алоқадор шахсий фикр-мулоҳаза билдира олган	3
	-мавзу қисман ёритилган - тезис (асосий ғоя) тўғри танланган -тезисга алоқадор шахсий фикр-мулоҳаза билдиришда камчиликлар бор	2
	-мавзу юзаки ёритилган - тезис (асосий ғоя) тўғри танланмаган -тезисга алоқадор шахсий фикр-мулоҳаза берилмаган.	1
	-ўқувчи эссе мавзусини тушунмаган	0
Эссенинг тузилиши ва мантиқий изчиллик 2 балл	-эссе қисмларга тўғри бўлинган -хатбошиларга тўғри ажратилган -фикр баёнида мантиқий изчиллик сақланган	2
	-эссени қисмлари орасидаги мувофиқлик ўзгарган -хатбошиларга тўғри ажратилмаган -фикр баёнида такрорийлик мавжуд	1
	-эссе қисмлари орасида мутлақо боғланиш йўқ	0
Факт далилларнинг мавзуга мувофиқлиги қўлланиши 3 балл	ва -ўқувчи икки ва ундан ортиқ факт келтирган - факт ва далиллар мавзуга мувофиқ	3
	ва - ўз ўрнида қўлланган	
	-ўқувчи иккита факт келтирган - факт ва далиллар мавзудан четлашган - ўз ўрнида қўлланмаган	2
	-ўқувчи биргина факт келтирган -факт мавзуга мувофиқ танланмаган - ўз ўрнида қўлланмаган	1
	-ўқувчи мавзу юзасидан ҳеч қандай факт ва далиллар келтира олмаган	0

Сўз маданияти 2 балл	-эссе адабий меъёрга мос ёзилган -кириш сўз ва бирикмаларни ўз ўрнида қўллаган -тилнинг софлиги сақланган -бадий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланилган	2
	-эсседа адабий меъёр маълум даражада сақланган -кириш сўз ва бирикмаларни қўллашда хатога йўл қўйилган -тилнинг софлиги айрим ўринларда бузилган -бадий тасвир воситаларидан кам фойдаланилган	1
	-эссе ёзишда адабий меъёр сақланмаган -кириш сўз ва бирикмалар қўлланмаган -бадий тасвир воситалари қўлланмаган	0

Баллни баҳога алмаштириш жадвали

Балл	Баҳо
9-10 балл	“5”
7-8 балл	“4”
5-6 балл	“3”
0-3 балл	“2”

Ўзбек тили фанидан ёзиладиган эссенинг баҳолаш меъёрлари

<i>Критерий/мезонлар</i>	<i>Дескрипторлар</i>	<i>Балл</i>
Услуб ва мавзунинг мувофиқлиги 2 балл	-эссенинг ёзиш услуби мавзуга мос	2
	-эссенинг ёзиш услуби мавзудан қисман четлашган	1
	-эссенинг ёзиш услуби мавзуга мос эмас	0
Ёзма нутқнинг аниқлиги ва атамаларнинг қўлланиши 2 балл	-мавзуни баён этишда ва терминларни қўллашда хатоликларга йўл қўйилмаган -иш давомида ҳеч қандай жумла хатолари учрамайди	2
	-мавзуни баён этишда ва терминларни қўллашда 1та хатога йўл қўйилган -иш давомида бир жумла хатосига	1

	йўл қўйилган	
	-мавзуни баён этишда ва терминларни қўллашда 2 ва ундан ортиқ хатога йўл қўйилган -иш давомида икки ва ундан ортиқ жумла хатосига йўл қўйилган	0
Имло саводхонлиги 3 балл	Имло хатолари йўқ ёки биргина хатоси бўлса	3
	2-3 хатоликка йўл қўйилса	2
	4-5 хатоси бўлса	1
	5 тадан ортиқ хатоси бўлса	0
Тиниш белгиларининг имлоси 3 балл	Тиниш белгиларининг қўйилишида хатолик йўқ ёки бир хатолик бўлса	3
	Тиниш белгилари бўйича 2-3 хатоликка йўл қўйилган бўлса	2
	4-5 хатоси бўлса	1
	5 тадан ортиқ хатоси бўлса	0

Баллни баҳога алмаштириш жадвали

Балл	Баҳо
9-10 балл	“5”
7-8 балл	“4”
5-6 балл	“3”
0-3 балл	“2”

4/5 - биринчи баҳо эссенинг мазмунига ва бадиий тил билан ёритилишига қўйилади; иккинчи баҳо эса имло саводхонлиги ва тил меъёрларининг сақланишига қўйилади. Баҳо дафтарнинг чап томонида қўйилади.

Эслатма: баҳолаш пайтида хатоларнинг такрорланиши ва бир хиллигини эътиборга олиш керак. Агар хато бир сўзнинг таркибида ёки ўзақдош сўзнинг таркибида такрорланса, у бир хато бўлиб ҳисобланади. Бир сўзнинг бир неча жойда хато қўлланиши – бир хато ҳисобланади. Матнда беш марта тузатиш бўлса, ўқувчи баҳоси бир баллга камаяди. Ўқувчи ишида уч ёки ундан кўп тузатишлар учраса “аъло” баҳо қўйилмайди.

Ўқувчилар учун тавсия этиладиган адабий эссе мавзулари

1. Халқ дostonларига хос бўлган асосий хусусиятлар ҳақида қандай хулоса чиқара оласиз?
2. Меҳр-муҳаббат-боқий туйғуми? (Муҳаммад Юсуфнинг «Меҳр қолур» шеъри асосида)
3. Она тилида айтилган кўшиқ ёки алла гўдакка маънавий озиқ сифатида сингиши мумкинми?
4. «Мантиқ ут-тайр» асарининг ёш Алишер келажакка таъсири бўлдими? Фикрингизни далилланг.
5. Зулмдан пайдо бўлган бойлик таназзулга маҳкумми? (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида).
6. Сўз – қудратли қуролми?
7. Чўлпоннинг «Кўнгил» шеърини эрк йўлидаги кураш воситаси дея оласизми?
8. Фарҳод – комил инсонми? (Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида)
9. Абдулла Қодирий ўзининг Туркистон тақдири тўғрисидаги аламли фикрларини нима учун Юсуфбек хожи орқали тасвирлаган деб ўйлайсиз?
10. Мақсад – келажакка пойдеворми?
11. *Бешак билинг, бу дунё барча элдан ўтаро,
Инонмагил молинга, бир кун қўлдан кетаро,* мисралари орқали Аҳмад Яссавий инсонга хос бўлган қандай маънавий жиҳатларни назарда тутган деб ўйлайсиз?
12. Сизнинг фикрингизча, шоир нима мақсадда кўшиқ жанрига мурожаат қилган? (Ҳамзанинг «Миллий ашулалар...» туркуми асосида).
13. «Инсон ўз тақдирини ўзи яратади» деган фикр бор. Бу фикрга сизнинг муносабатингиз қандай?
14. *Толёй йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Не ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.* Бобурнинг «Ҳинд сори» бориши унинг «хатолиғ»ими?
15. Хожа ҳикояларида подшоҳнинг бир соат адолат қилганининг савоби барча нарсалардан ортиқлиги таъкидланади. Сиз шу фикрга қўшиласизми?

16. Инсон ўз элидан узоқда бахтли яшай оладими? (Ватан мавзусидаги асарлар асосида).
17. *Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман,* деб бошланувчи ғазали шоиранинг ижтимоий-тасаввуфий қарашларини белгилайдими? (Увайсийнинг «Увайсийман» радифли ғазали асосида).
18. Маънавияти юқори бўлган Отабек Кумуш ўлимида айбдорми? (Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида).
19. Сизнинг фикрингизча, дostonда Алпомишнинг ғолиб бўлиб, халқ қаҳрамонига айланишининг сабаби нимада? («Алпомиш» дostonи асосида).
20. Дўстни топиш осонми ёки йўқотишми?
21. Сиз қандай ўйлайсиз, Машраб ижодидаги исёнкор туйғуларнинг асл сабаби Яратганга муҳаббатми?
22. Эрка интилувчи инсонни енгиб бўлмайди. (Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикояси асосида)
23. Ҳеч бир эзгулик мукофотсиз қолмайди. (А.Орипов. «Жаннатга йўл» драматик дostonи асосида)
24. Сиз Алпомиш тимсолидаги қайси хусусиятни ҳозирги ёшларда бўлишини хоҳлар эдингиз? («Алпомиш» дostonи асосида).
25. «Қўрқоқ юз ўлади». Бу фикрга сизнинг муносабатингиз қандай? (Асқад Мухтор ва Саид Аҳмад асарлари асосида).
26. Алишер Навоийнинг:
*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай* матлаъли ғазалини инсоний қадриятлар ифодаси дея оласизми?
27. Бугунги қизларимизга Раъно жасоратини намуна қила оласизми? (А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи асосида)
28. Ақл ва топқирлик кишини чорасизликдан қутқарадими? (Ғ.Ғулломнинг «Ҳасан Кайфий» ҳикояси асосида)
29. Навоий орзусидаги инсоний меҳр-оқибат ва саховат бугунги кунда рўёбга чиқди деб ўйлайсизми? (Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonи асосида)
30. Ҳалима Ҳудойбердиеванинг «Дориломон кунлар келди» шеъри онага нисбатан фарзандлик муҳаббатининг ифодасими?
31. Инсон ҳаётида ёшликнинг аҳамияти қандай?

32. Нодиранинг «Эҳтиёж азиз кишини хор қилади» деган фалсафий фикрига муносабатингизни билдиринг. (Нодиранинг «Қилма зинҳор эҳтиёж» ғазали асосида).
33. Ҳақиқий инсон адолат учун курашгани сабабли ардоқлидир. (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида)
34. Кулги умрни узайтирадими? (С.Аҳмад, Ғ.Ғуллом, Ш.Бошбеков асарлари асосида)
35. Машаққатли ҳаёт инсонни тоблайди. (О.Ёкубовнинг ҳаёти ва ижоди асосида)
36. Табиат гўзаллигидан баҳрамандлик бахтми? (Ҳ.Олимжон лирикаси асосида)
37. Ҳаётий ҳолатни шеърга кўчирмоқ учун яхши шоир бўлиш шартми? (Миртемир шеърлари асосида)
38. «Турди Фароғий хонлиқлар даврининг серғалва лавҳаларини бадиий адабиётга олиб кирди». Сиз бу фикрга қўшиласизми?
39. Биз Она табиат гўзалликларини асрай оляпмизми? (Ўзбек адабиётидаги табиат лирикаси асосида).
40. Ҳикояда тасвирланган чўпон ва унинг аёли сизда фахр уйғотадими ёки ҳижолат бўласизми? (Шукур Холмирзаев. «Ўзбеклар» ҳикояси асосида)
41. Сеҳр ақл кўшадими? (Х.Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асари асосида).
42. Истеъдод тайин этилган қисматми ёки меҳнат билан бунёдга келган мажбуриятми? (Э.Воҳидов. «Рухлар исёни» достони асосида)
43. «Қутадғу билиг» достонида шоир асар марказига Кунтуғди тимсолини қўйишини қандай баҳолайсиз? (Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони асосида).
44. Оху – эрка талпинган инсоннинг рамзий тимсолими? (Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер, сайёд» мусаддаси асосида).
45. *Бу ёруғ дунё надур?*
Кошонадур, вайронадур,
Сенга меҳмонхонадур,
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг, мисралари орқали шоир инсон зиммасига нималарни юкляпти деб ўйлайсиз? (Эркин Воҳидовнинг «Инсон» ғазали асосида).
46. Муниснинг чин дўст ҳақидаги қарашларига ўз фикрингизни билдиринг.

47. Отага тик боқма... («Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси» асарлари асосида).
48. Абай «Қора сўз»нинг қиммати унинг фалсафийлигидами?
49. Сизнингча, миллий урф-одатларнинг янгича тус олгани маъқулми ёки уларнинг асл ҳолича қолгани дурустми? (А.Қодирий романлари асосида)
50. Сизнингча, «Бахт» нима? Далиллар асосида ўз фикрингизни ёзинг.